

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Neft va gaz quduqlarini sinash" AJ

Объявление

"NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДНИ ТАНЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН

Э Ё Л О Н !

“Нефт ва газ қудуқларини синаш” АЖ Директори лавозимига номзодни

танлаш учун танлов эълон қилади.

Номзодга қўйиладиган талаблар:

- Нефтгаз иши, Технологик машиналарни жихозлаш, Фойдали қазилма конлари геологияси кидируви ва разведкаси, Геология ва кончилик иши муҳандиси, муҳандис-иқтисодчибўйича олий маълумотга эга бўлиши;
- раҳбар лавозимларида (раҳбар, раҳбар ўринбосари, бош муҳандис, бўлим/цех бошлиғи), шу жумладан нефтгаз соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибаси;
- Нефт ва газ қудуқларини синаш, капитал таъмирлаш, бургулаш, геология ва кончилик ишларида технологик ва автоматик ишлаб чиқариш ускуналарининг муваффақиятли ишлаши, шу жумладан янги технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш тажрибаси;
- меҳнатни ташкил этишнинг бозор шакллари жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва технологиялардан самарали фойдаланиш қобилияти;
- кузатув кенгаши аъзолари ёки Жамият раҳбарлари билан бирон бир қариндошлик алоқалар йўқлиги;
- иқтисодий ёки менежмент соҳасидаги жинойий иш қўзғатилмаганлиги, шу жумладан чет элга чиқишга чекловлар йўқлиги;
- юқоридаражадаги алоқамаданияти, интизом, қатъийлик, ҳаллоллик ва стрессга бардошлиги;

Чет тилларини билиш:

- -резидент учун: ўзбек тили - равон, рус тили-равон, инглиз тили ёки немис тилларидасўзлашув қўллаб-қувватланади;
- норезидент учун: рус тилини биладиган - равон, ўзбек, инглиз ёки немис тилларида сўзлашув қўллаб-қувватланади .

Компьютер билими:

MSOffice да ишончли фойдаланувчи ёки (мукамал билиши).

Лавозим вазифалари:

-Жамиятфаолиятини бошқариш, самарали, барқарор, даромадли ишни ва унинг ривожланишини таъминлаш;

-Бизнес-режалар ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шунингдек уларнинг катъий бажарилишини назорат қилиш;

-Маблағлар тақчиллигини қоплаш, Жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва шартномавий мажбуриятларни бажариш чораларини кўриш;

-Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун зарур бўлган миқдорда, шунингдек ижтимоий соҳада жамиятнинг даромадини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш юзасидан тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

-Ишчилар (ходимлар) учун ижтимоий кафолатлар ва хавфсиз меҳнат шартномаларига риоя этилишини таъминлаш;

-Амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармонлари, ҳамда жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларни талабларига риоя қилиш;

Асосий иш шaroитлари:

-Иш тартиби: 5/2, 8:00 дан 17:00 гача. Доимий иш.

-Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ рўйхатдан ўтиш.

Иш ҳақи: штат жадвалига мувофиқ + Жамиятнинг ички ҳужжатларига ва бозор механизмларига мувофиқ тўловлар

Конкурснинг махсус шартлари:

-Номзодлар бир хил балл тўплаган тақдирда, хорижий менежерга устунлик берилади;

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиш;

Лавозимга (номзод) даъвогарларнинг ҳужжатлари:

-резюме ёки справка-объективка;

-дипломлар ва сертификатлар нусхаси;

-судланмаганлик тўғрисидаги маълумотнома;

-шунингдек, меҳнат дафтарчасининг нусхаси резидент учун.

-номзоднинг бошқа маълумотлари (давлат мукофотлари, хорижда амалиётлар, тавсияномалар);

-жамият директори сифатида асосий устувор вазифаларнинг қисқача тақдимоти (3-5 варақгача), жумладан:

ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини ошириш;

иш хажмларини кенгайтириш;

жамиятнинг ички техника баъзасини янгилаш (УПА-60, НБУ-100);

чет эл қўшма корхоналари билан ҳамкорлик ишларини такомиллаштириш;

дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;

чет эл инвестицияларини жалб этиш Режа ва имкониятлари;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан чел элда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар конвертга солиниб, муҳрланган ҳолда нуқсонларсиз бир нусхада қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси
123-уй(“Нефт ва газ қудуқларини синаш” АЖ нинг маъмурий биносида)**

Боғланиш учун шахслар - Жамият Корпоратив бошқарув бўйича менежер Бобониязов
Суннатилло Салоҳиддинович (тел:+99899 666-10-20) Ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги
муддати: 2021 йил 24 феврал куни (маҳаллий вақт) соат 17:00 гача.

08.02.2021

Источник: <https://openinfo.uz/announce/10575/>

Дата: 10.12.2024